

ХИТОЙ ТИЛИДА СЎЗЛАШУВЧИЛАРНИ ЎЗБЕК ТИЛИГА ЎРГАТИШДАГИ ҚИЙИНЧИЛИКЛАР ВА ПОТЕНЦИАЛ ИМКОНИЯТЛАР

Пулатова Д.З.

*ЎзДЖТУ, Ўзбек тили ва
адабиёти кафедраси
катта ўқитувчиси*

***Аннотация.** Бугунги кунда ўзбек тилини чет тили сифатида ўқитиш тобора долзарблашиб бормоқда. Шунинг учун ўзбек тилини ўқитиш/ўргатиш бўйича ҳам назарий, ҳам амалий ишлар кенг қамровли тарзда амалга оширилмоқда. Бизнинг мақоламизда ҳам ўзбек тилини хорижий тил сифатида ўзлаштириш учун эътибор бериладиган жиҳатлар илгари сурилади. Яъни ҳар қандай тилни ўргатишда дастлабки аҳамият коммуникатив усулга қаратилади. Тил табиий мулоқот жараёнида тезроқ ўрганилади, унинг ташиқлотчиси ва шитирокчиси бўлиб эса ўқитувчи саналади. Демак, тилни ўргатишда ўқитувчи ижодкор бўлиши, фақат грамматик маълумотлар билан чекланмаслиги, коммуникацияга олиб чиқиш учун тил ўргатишининг ўзига хос методлари, ўйинли машқлар, кундалик ҳаёт билан боғлиқ диалоглар устида ҳамкорликда фаолият олиб бориши мақсадга мувофиқлиги ёритилади.*

***Калим сўзлар:** таълим тизими, ўқитиш методикаси, нутқий фаолият, ўқув жараёни.*

Сўнгги йилларда хитойлик талабаларнинг ўзбек тилига қизиқиши тобора ортаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, ўзбек тилини нотил муҳитида ўргатаётган педагог-ўқитувчилар чет эллик талабаларнинг ушбу контингенти билан фаолият олиб боришларида бунинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олишлари зарур, хусусан, психологик стрессни юмшатишга максимал даражада ҳисса қўшадиган, шунингдек, талабаларнинг нотил муҳитида ўқитилиши ва яшашига мослашишини таъминлайдиган ўқув дастурлари ишлаб чиқилиниши тавсия этилади.

Бинобарин, таълим – бу икки томонлама жараён, яъни у ўз ичига ҳам талабанинг, ҳам ўқитувчининг фаолиятини қамраб олади. Маълумки, таълимнинг дастлабки босқичидаги тил ўрганиш шароитида, ўқитиш/ўргатишнинг эркин ўзлаштириш нисбатига анча торроқ мақсад қўйилади, яъни тилнинг асосларини ўзлаштириш ва ўзбек тили дарсларига тайёргарлик кўриш жиҳати кўпроқ илгари сурилади. Бугунги кунда ўзбек тилини чет тили сифатида ўқитиш методлари орасида дастлабки аҳамият коммуникатив усулга қаратилмоқда. Унинг асосий мақсади – талабаларнинг коммуникатив вазифаларни чет тили воситасида амалга ошириш, она тилида сўзлашувчилар билан эркин мулоқот қилиш қобилиятини ривожлантириш ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, тил табиий мулоқот жараёнида тезроқ

ўрганилади, унинг ташкилотчиси ва иштирокчиси эса, албатта, ўқитувчи саналади.

Таълим тизими, аслида, икки бирликни: ташкилий-структур, яъни машғулотларни ташкиллаштириш ҳамда вазилавий, яъни нутқий фаолиятни қамраб олувчи ўқув жараёни саналади. Шу ўринда, таъкидлаш жоизки, ўзбек тилини хорижий тил сифатида ўқитиш методикаси қўйидаги усулларни ўз ичига олади:

- 1) она тилига асосланган усуллар;
- 2) тил ва маданий ҳодисаларни таққослаш учун она тилидан фойдаланиладиган усуллар;
- 3) она тили бутунлай четлаб ўтиладиган усуллар.

Хусусан, хитой тилидан йироқ бўлган ўқитувчилар ўзбек тилини хорижий тил сифатида ўқитишларида рус тили ёки инглиз тилини умумий тил сифатида қабул қилган ҳолда таълимни амалга оширишлари жоиз. Яъни юқорида санаб ўтилган усуллардан сўнггиси – она тили бутунлай четлаб ўтиладиган усул амалда қўлланилади.

Маълумки, ҳар қандай тилни (шу жумладан, ўзбек тилини ҳам) хорижий тил сифатида ўқитиш/ўргатишнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Бундай хусусиятлар сирасига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- 1) ўзбек тилини хорижий тил сифатида мамлакатда ва мамлакатдан ташқарида ўрганишда таълим олувчиларнинг турли мотивацияси;
- 2) ўзбек тили ва хорижий тил муҳити кўламида таълим олувчилар нисбати ва уларга индивидуал ёндашувнинг ўзига хос хусусиятлари;
- 3) ўзбек тили ва хорижий тил муҳитида амалга ошириладиган методик-стратегик фарқлар: “мавжуд муҳитдан – матнга” (тил муҳити), “матндан – мавжуд воқеликка” (ўзга тил муҳити);
- 4) ўзбек тилини хорижий тил сифатида тил ва нотил муҳитида ўрганишда ўзаро тил жиҳатлари ва нутқий фаолият турларининг бир хил бўлмаган (турли) нисбати;
- 5) мамлакатимиз ва чет эл олий таълим муассасаларида таълим олувчиларнинг ўзбек тилидан турли даражада фойдаланишлари;
- 6) нотил муҳитида таълим олувчиларнинг ўқув маданий-тил тажрибаси мажбурий ҳисобини талаб қилувчи фақат мономиллий гуруҳларнинг мавжудлиги;
- 7) ҳар бир мамлакат таълим тизимининг ўзига хос жиҳатлари: у ёки бу мамлакат таълим муассасасида тилга йўналтирилган гуруҳлардаги талабалар

сони, ўзбек тилини хорижий тил сифатида ўқитишда турли ташкилий жиҳатлар ҳамда назорат кабиларнинг турли шакллари шулар жумласидандир.

Ҳозирги кунда таълимнинг фаолият турига асосланган ўқитиш методларини таснифлаш тобора кенг тарқалган. Шу сабабли қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир:

1) таълим фанини ўзлаштиришни таъминлайдиган методлар (оғзаки, сўз бойлиги, кўргазмалилик, амалий, репродуктив, муаммоли-изланувчан, индуктив, дедуктив);

2) таълим фаолиятини рағбатлантирадиган, қизиқтирадиган ва асослайдиган методлар (билим орттиришга хизмат қиладиган ўйинлар, ўқув мунозаралари, муаммоли вазиятлар ва бошқалар);

3) таълим фаолиятини назорат қилиш ва ўзини ўзи бошқариш усуллари (сўров, тест, имтиҳон кабилар)¹.

Коммуникатив усул ёрдамида чет тилларини ўқитиш/ўргатишда мувофиқ машқ ва вазифалар: турли лойиҳа, коммуникатив ўйинлар, коммуникатив машқлар, театрлаштирилган диалоглар, мунозаралардан фойдаланиш мақбул ҳолатлардан биридир².

Коммуникатив таълим – бу нафақат иш усуллари, балки уни ташкил этиш ҳамда яхлит таълим тизими бўлиб, унга мувофиқ тил ҳам сўзловчига, ҳам тингловчига боғлиқ бўлган алоқа воситаси сифатида тушунилади. Ушбу услубий тамойилнинг асосий вазифаси эса талабаларни нутқ фаолиятида иштирок этишга ўргатиш, яъни уларни нутқ воситалари орқали қўйилган мақсадларни ҳал қилишга ўргатишдан иборат. Шу билан бирга, ўқитишда асосий эътибор нутқ фаолиятининг махсус тури сифатида нутқ алоқасига қаратилади, бунда мақсад ва вазифалар нутқ алоқасидан ташқарида ётади. Чунки чет тилини сўзлар ва грамматик шакллар тизими сифатида билиш етарли бўлмайди. Бу таълим мақсади эмас, балки нутқий алоқага олиб келадиган оралик бўғиндир. Нутқий алоқа нутқ фаолиятининг турли турларида (гапириш, тинглаш, ўқиш, ёзиш) кўплаб нутқ ҳаракатларини амалга ошира олиш қобилиятида намоён бўлади³.

Коммуникатив таълимнинг асоси машқлар ва вазифалар бўлиб, улар орқали талабалар машғулот мақсадини нутқ сўзлари билан боғлашни

¹ Азимов Э.Г., Шукин А.Н. Словарь методических терминов (теория и практика преподавания языков). М.: ИКАР, 2009. 137 с.

² Акишина А.А., Каган О.Е. Учимся учить: Для преподавателей русского языка как иностранного. 2-е изд. М.: Русский язык, 2002. 25 с.

³ Акишина А.А., Каган О.Е. Учимся учить: Для преподавателей русского языка как иностранного. 2-е изд. М.: Русский язык, 2002. 25 с.

ўрганадилар (агар мен китоб сўрамоқчи бўлсам, “Илтимос, менга китоб беринг” деган ифодадан фойдаланишим керак). Яъни талабага бериладиган материални танлаш ва тақдим этишда вазифавий ёндашувнинг барча даражалари амалга оширилади. Айниқса, ўзбек тилида бошқа тиллардан фарқли ўлароқ эгалик қўшимчалари мавжудлиги сабабли, уларни машқ ёки кичик матнлар ёрдамида алоҳида ўргатиш мақсадга мувофиқдир.

Аслида, нутқий алоқа, сўзловчида ҳам, тингловчида ҳам эҳтиёж пайдо бўлганда юзага келади. Коммуникатив таълимнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат.

1. Таълим бирлиги сўз ва ибора эмас, балки нутқий жараён (масалан, илтимос, норозилик, савол бериш ва бошқалар). Талабалар турли ижтимоий вазиятларда нутқий хатти-ҳаракатлар ривожланадиган вазиятларни амалга оширадилар. Хулқ-атвор ижтимоий контекст билан белгиланади.

2. Тилни ўзлаштириш – бу коммуникатив компетенцияни шакллантириш, коммуникатив вазифаларни нутқий воситалар ёрдамида амалга ошириш қобилиятидир. Мулоқот ўрганилаётган тилда олиб борилади (она тилидан фойдаланиш чекланган бўлади).

3. Мулоқот қилиш учун, аввало, сиз аудиториядаги вазиятлардан фойдаланиш – шахслараро мулоқотни ўрнатиш зарур. Ўқитувчининг роли нафақат хатоларни доимий равишда тузатиш учун эмас, балки мулоқот қилиш учун шароит яратиш ва уни осонлаштиришдан иборатдир⁴.

Таълим жараёнида нутқий вазиятларнинг икки тури фарқланади. Булар, аввало, аудиторида доимий равишда юзага келадиган табиий вазиятлар (масалан, кўргазмали куруллар, техник воситалар билан таъминлаш билан боғлиқ вазиятлар, таълим олувчиларнинг келмаганлиги ёки кечикиши, улар ўртасидаги муносабат кабилар).

Коммуникатив ёндашувга эга бўлган дарс моделига келадиган бўлсак, дарс асосан ўрганилаётган (ўзбек тилида) тилда олиб борилади, аммо она тилида таржима ва тушунтиришларнинг алоҳида ҳолатлари ёритилади. Ҳар бир янги босқичда она тилидан фойдаланиш камайиб боради. Дарснинг анъанавий тузилиши эса қуйидагича бўлиши мумкин.

1. Дарснинг бошланиши – бу шахсий мулоқотдир.

⁴ Ўша ерда., 26 с.

Хар бир талабага саволлар (талабаларни бир-бирларига савол беришга ундаш): Қандайсиз? Қандай янгиликлар? Оиласи ва ота-онаси ҳақидаги саволлар шулар жумласидандир.

2. Аудирование (тинглаш) - ўқитувчининг ўз ишлари, янгиликлар ҳақидаги баёни ёки олдиндан тайёрланган матнни қайта ҳикоя қилиш назарда тутилади.

3. Дарснинг асосий қисми: янги материални тушунтириш матндан бошланади (диалог, полилог, монолог), яъни материал контекст орқали берилади ҳамда ўқитувчи талабаларнинг матнни тушунишини ва уни кенгрок контекстга киритишини таъминлашга интилади.

Масалан, янги диалог берилгандан сўнг, талабалар уни тинглайди (тинглаш турлича бўлиши мумкин), ҳамма баравар ва индивидуал равишда такрорлайди, талаффузнинг қулайлигига эришилади. Янги грамматика берилгандан сўнг, ўқитувчи диалог тузилишини сақлаб, вазиятни бироз ўзгартиради – улар бу борада жуфт ёки кичик гуруҳларда ишлайди. Ўқитувчи талабаларни тинглайди, ёрдам беради ва хатоларни тuzатади. Фаолият охирида талабаларга ижодий ечимларни талаб қиладиган вазиятлар: ўзлари ҳақида гапириш, зиддиятли вазиятларни ҳал қилиш кабилар таклиф этилади. Бу ҳар бир матн устида ишлашнинг мажбурий якуний қисми саналади.

4. Ўқиш ва ёзишни ўрганиш. Ушбу фаолият шаклида ўқишнинг ҳар хил турларидан фойдаланилади – мазмун-моҳиятни умумий ёритиш ва шахсий маълумотларни излаш илгари сурилади. Ёзма нутқ дарсда ўйналандиган нутқий вазиятлар ва алоқа ҳолатлар билан боғлиқ, яъни у коммуникатив жиҳатдан асосланади. Масалан, “Уй” мавзусини муҳокама қилиб, сиз талабадан яшаётган хоначини тавсифлашни сўрашингиз мумкин.

5. Дарсни якунлаш. Ўқитувчи сўрайди: Бугун қандай янги нарсаларни ўргандингиз? Сиз қандай сўз ва жумлаларга дуч келдингиз? Биз нима ҳақида гаплашдик?

Яъни таълимнинг бошланғич даражаси қуйидагиларни камраб олади:

Бошланғич даража	
Гапириш	1. Ўзгарувчан вазиятларда сўз, жумла, нутқий шаклларни такрорлаш. 2. Ёдланган сўз, жумла ва ифодалардан фойдаланиш талаб қилинадиган вазиятларни амалга ошириш. 3. Сўзлар, грамматик формула ва жумлаларни ёдлашга ёрдам берадиган ўйинли машқлар.

Тинглаш (аудирование)	1. Минимал жуфтликларни фарқлаш. 2. Таниш сўзларни англаш учун жумла, қисқа матнларни тинглаш. 3. Матнни тинглаш ва тушунганликни текшириш.
Ўқиш	1. Матндаги алоҳида сўз, сўз бирикма, номланишларни таниб олиш. 2. Рўйхатларни ўқиш (масалан, ошхонадаги меню). 3. Қисқа матнлардан (масалан, рекламалардан) маълумот топиш. 4. Икки қисқа матнни (масалан, эълонларни) қиёслаш.
Ёзиш	1. Ёдланган сўз ва жумлалар диктанти. 2. Айрим шаклларни тўлдириш. 3. Қисқа хатлар ёзиш.

Шундай қилиб, ҳозирги кунда аудиовизуал ёндашувдан фойдаланган ҳолда намоён бўлувчи таълимнинг муайян қоида ва усуллари таълимнинг айрим интенсив методларини қўллашда ижобий натижаларга эришилмоқда.

Адабиётлар рўйхати:

1. Азимов Э.Г., Щукин А.Н. Словарь методических терминов (теория и практика преподавания языков). М.: ИКАР, 2009. 448 с.
2. Акишина А.А., Каган О.Е. Учимся учить: Для преподавателей русского языка как иностранного. 2-е изд. М.: Русский язык, 2002. 256 с.
3. Леонтьев А.А. Психолингвистические единицы и порождение речевого высказывания. М., 1990. 423 с.